

Тоғай Мурод асарлари билимдони



2023 йил 5 май куни Олтинсой туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларида "Тоғай Мурод асарлари билимдони" мавзусида ўтказилган иншолар танловининг ғолиблари ўртасида танловнинг туман босқичи ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати раиси сифатида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Дарё ортидаги йиғи», «Ўн саккизга кирмаган ким бор», «Кулиб тур, азизим», «Қуёшни ким уйғотади?» сингари насрий ҳамда «Хосиятли дунё», «Кафтимдаги қизғалдоқ» шеърий тўпламлари муаллифи, драматург, таржимон Қўчқор Норқобил ва туман ҳокими Баҳром Махматраемовлар қатнашишди.